

## ПСИХОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКА ВА УНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ РОЛИ

**Хасанова Ирода Абдухалил қизи**

**Аннотация:** Мазкур мақолада соҳада психологик профилактиканинг аҳамияти, психологик билимларнинг ўрни, психологик хизматнинг соҳани ривожлантиришдаги ўрни, психологик профилактиканинг жиноятчиликка қарши курашдаги аҳамияти ва уни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида ёритилган.

**Калит сўзлар:** психология, профилактика, психологик хизмат, жиноятчилик, психика, ҳодим психкаси, жиноятчи психологияси, девиант хулқатвор.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается психологическая профилактика и ее значение. Обсудили роль психологии в борьбе преступностью.

**Ключевые слова:** психология, профилактика, психологическая служба, преступление, психология сотрудников, криминальная psychology.

**Annotation:** This article is written about the importance of psychological prevention in the field. The role of psychological knowledge is discussed. An opinion was expressed about the importance of psychology in the fight against crime.

**Key words:** psychology/prevention/ psychological service/ criminal psychology/deviant behavior

### Психологик профилактика ва унинг ҳуқуий асослари

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган даврда инсон психологиясини ўраганиш, психологик билимларни амалиётда қўллай олиш замон талаби десам ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Ҳуқуқий демократик давлатда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг замирида бевосита қонунчилик туради. Шу боисдан, юртимиизда сўнгги йилларда психология соҳасига, ушбу соҳадаги кадрларни тайёрлашга эътибор кучайтирилди ва бу борада қонунчилигимизда ҳам бир қатор ўзгартиришлар, кўплаб илмий-амалий конференсиялар амалга оширилди. Жумладан, 2019 йил 08 июнь куни Вазирлар Махкамасининг “Психология соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳукуқбузарликларининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида” 472-сонли қарори имзоланди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида эса 2018 йилаг қадар республикамизнинг 10 та олий таълим

муассасида “Психология”, 19 та олий таълим муассасаларида “Педагогика ва психология” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 5717 нафар талаба тахсил олган бўлса, квоталар сони кескинг оширилиб, 2019 йилнинг ўзида 2665 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. 2021 йилнинг 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида “Хукуқни муҳофаза килиш органлари тизимида психология” мавзусида илмий-амалий конференсия ўтказилиб унда бир қанча масалалар кўриб чиқилган. Бундан ташқари президентимизнинг ташабbusлари билан ИИВ тизимида ҳам инспектор-психолог ходимларни тайёрлашга улар учун штатлар сонини оширишга эътибор қаратилиб, кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2021 йил 26 март кунидаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чор-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарорни алоҳида таъкидлаш лозим. Сабаби ушбу қарор билан ИИВ тизимида республика миқёсида 2000 та инспектор-психологлар учун штатлар ташкил этилди. Инсон руҳияти шундай бир нарсаки уни доимий равишда тарбиялаш, эътибор қаратиш лозим.

### **Психологик профилактиканинг вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишдаги роли**

Инсон ҳаракатлари, унинг орзу-умидлари амалаг оширадиган ишлари бевосита унинг психикасига ҳам боғлиқ. Криминологияда шундай бир тушунча мавжуд яъни, инсон ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди, у жиноятчи бўлиб шакланади. Ҳақиқатдан ҳам шундай жиноят содир этган шахснинг руҳиятида ҳам энг аввало ўзгаришлар кузатилади буни биз психологияда девиант хулқ-атвор сифатида ўрганамиз ва бундай хулқ-атвор эгалари билан алоҳида ишлаймиз. Сабаби, агарда бундай хулқ-атвор эгаларига вақтида эътибор қаратилмаса улар билан профилактик ишлар олиб борилмаса келгусида жиноят содир этилиши ва жиноятчи шахс шаклланиши мумкин. Умумжаҳон муаммоларидан бири ҳисобланган вояга етмаганлар жиноячилигини тадқиқ қилиш борасида барча хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатлари сингари ресубликаизда ҳам бир қатор илмий изланишлар олиб борилди. Ушбу илмий тадқиқот ишларида болалар ва ўсмирлар ўртасида содир этилаётган конунбузарлик, алкоголизм ва гиёхвандлик сингари иллатларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар, жиноячилик ходисасининг статистик, демографик, хукуқий ва худудий хусусиятларига боғлиқ саналади. Ҳақиқатдан ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг эртанги кунимиз,

келажагимизнинг давомчилари эканлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги турли хил ғайриқонуний, шу жумладан жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиш, ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммо сифатида намоён бўлади. Қузатишларимиздан маълум бўлишича, вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишда энг аввало, жиноятчилик хулқининг ижтимоий-психологик, индивидуал-психологик, социологик, худудий ва криминологик хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Республикаизда вояга етмаганлар жиноятчилиги муаммосини ўрганишга қаратилган илмий изланишларни қузатар эканмиз, бутун дунё мамлакатларида бўлгани сингари ушбу муаммони илмий тадқиқ этиш ишлари бир неча йўналишлар бўйича олиб борилганлигининг гувоҳи бўламиз. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминалистик йўналиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар шундан далолат берадики, бу йўналишда кейинги йилларда бир қатор самарали илмий изланишлар олиб борилган. Ушбу илмий тадқиқот ишларида вояга етмаган ёшдаги жиноятчи шахси, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий, хуқуқий омиллари, сабаб ва мотивлари ҳамда унинг олдини олиш борасидаги муаммолар тадқиқ қилинади. Хусусан, тадқиқотчи А.А.Расулов ўз тадқиқотларида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда хуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш муҳимлиги тўғрисидаги қимматли мулоҳазаларни илгари суради. Шунингдек, тадқиқотчининг таъкидлашича, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш нафақат мутасадди ташкилот ходимларининг, балки кенг жамоатчилик, ота-оналар ва ўқитувчилар зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисбланади. Тадқиқотчи М.Қосимова ҳам ўз тадқиқотларида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш омилларини хуқуқий жиҳатдан асослашга ҳаракат қиласи. У ўз қузатиш ва тадқиқотларига асосланиб, вояга етмаганларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишини олдиндан айтиш мумкин деган фикрни ўртага ташлайди. Хусусан, у «носоғлом, криминоген оилаларда, ғайриқонуний хулқ-атворга эга бўлган болалар ва ўсмирлар даврасида, катталарнинг тазиёки ёки зўрлови асосида вояга етмаганлар жиноятчилиги келиб чиқади ва шунинг учун болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишда шу омилларга эътиборни қаратиш максадга мувофиқдир»<sup>2</sup> - деб таъкидлайди. Вояга етмаганлар жиноятчилигини хуқуқий ва криминалистик йўналиш бўйича тадқиқ қилишга қаратилган тадқиқотларни қузатар эканмиз, уларда вояга етмаганлар жиноятчилигининг хуқуқий, криминалистик омиллари билан бир қаторда ижтимоий, хуқуқий, статистик ва айрим ҳолатларда педагогик ҳамда

психологик омиллари ҳам маълум даражада таҳлил қилинганинг гувоҳи бўламиз. Бундай ҳолат тадқиқотчиларнинг бу муаммони янада чуқурроқ ўрганишга бўлган интилишлари ва ҳаракатларидан далолат беради. Қолаверса, уларнинг бу хилдаги ёндашуви вояга етмаганлар жиноятчилиги нафақат ҳукуқшунос- криминалист тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши зарур бўлган, балки психолог, педагог, биолог, социолог ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан ҳам тадқиқ этишилиши зарур бўлган муаммо эканлигини кўрсатади. Бироқ шундай бўлсада, вояга етмаганлар жиноятчилигини криминалистик йўналиш бўйича тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотларда жиноятчи шахсини, унинг шаклланиш жараёнлари ва ижтимоий омилларини ўрганиш ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш, унинг ҳукукий мезонларини ишлаб чиқиши масаласи улар тадқиқотининг асосий мақсад ва вазифалари сифатида белгиланганлигини кузатамиз. Биз психологик профилактиканинг ўрни ва аҳамиятини айнан мана шундай жабҳаларда яққол кўришимиз мумкин. Президентимиз таъбири билан айтганда касалликни даволашдан кўра унинг олдини олаган афзал. Шу сабабли ҳам буни англаған ҳолда профилактикага катта эътибор қаратилмоқда. Бунда эса, инспектор-психологларсиз тасаввур қилиш қийин. Бугунги кунда жиноятчиликнинг олдини олишда, айникса ёшлар жиноятчилигиниг олдини олишда психологик профилактиканинг ўнри сезиларли даражада ортмоқда. Шу боисдан фанга психопрофилактика тушунчаси кириб келди.

**Психопрофилактика-** психологик хизмат фаолиятининг бир тури. Психологик профилактиканинг асосий вазифаларини ҳам турли олимлар психологлар турли хил қилиб белгилайдилар кўпгина олимларининг фикрига кўра психологик профилактиканинг асосий вазифалари қуидагилар: инсонинг шахс сифатида шаклланиши, ақлан баркамоллигининг таъминлашнинг оқилона шарт-шароитларини таъминлаш, шахс камолоти ва интелектуал тараққиёт бўсағасида вужудга келиши мумкин бўлган психологик нуқсонлар ва бузилишларни ўз вактида олдини олиш. Психопрофилактиканинг мазмунини қуидагилар ташкил этади. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқишида ижтимоий муҳитнинг таъсири масаласи, оилавий муносабатлардаги носоғлом муҳитнинг вояга етмаганлар жиноятчилигини келтириб чиқаришдаги ўрни, болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг иқтисодий, худудий, статистик, шаҳар ва қишлоқ жойларида содир этилиш сабаб бўлиб қолмоқда. Хусусан, оиладаги криминоген муҳит, оилавий ўзаро жанжаллар, ота-оналарнинг болалар тарбиясига эътибор бермасликлари, болаларнинг бўш вақтларини қандай

ўтказаётганлигини отаоналар ёки катталар томонидан назорат қиласлик ҳамда болаларни назоратсиз қолдириш ҳолатлари болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига олиб келади. Шунингдек, оилада ота-онанинг спиртли ичимликка ружу қўйиши, болалар кўз ўнгида ноахлоқий хатти-ҳаракатларини амалга оширишлари ҳолатлари ҳам болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шахснинг муайян шароитга мослашишига оид ишларни олиб бориш: масалан унинг ўқув муассаси мухитига мослашиши. Бир сўз билан айтганда психопрофилактиканинг вазифалари шулардан иборат.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти психологияси. Масъул мухаррир. С.К.Тангирбердиев – Т.: Ўқитувчи, 2008.
2. Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар органлари ходимларининг қасбий психологик тренинги. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.
3. Фозиев Э. Умумий психология Психология мутахассислиги учун ўқув қўлланма I китоб, Т.: «Университет» 2002
4. Сирлиев Б.Н., Бекназаров А.А., Арзиқулов Д.Н. Психология. Маъruzалар матни. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006.
5. Самоукина Н.В. Психология и педагогика профессиональной деятельности. – М.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Издательство ЭКМОС. 1999. – 352 с.
6. Кибанов А.Я., Коновалова В.Г., Белова О.Л. Управление конфликтами и стрессами. – М.: Проспект, 2013. – 188 с.
7. Конфликтология.: учеб. для студентов вузов, обучающихся по специальностям «Менеджмент орг.», «Упр. Персоналом», «Гос. и муницип. упр.» / Под ред. А. Я. Кибанова. – М.: ИНФРА-М, 2015.